



Бошланғич ташкилот ва ҳар бир аъзо

Концепцияни амалга оширишда фаол иштирок этиши зарур

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон ХДП Ҳамза туман кенгаши ташаббуси билан пойтахтимиздаги Илбс Эргашев номли 4-кўптармоқли шифохонада бўлиб ўтган тадбир шулардан биридир. Унда партияимиз бошланғич ташкилоти фаоллари, муассаса ходимлари иштирок этди.

— Демократик жараёнлар чуқурлашиб, сиёсий партияларнинг етуқлик даражаси ортиб бормоқда, — деди туман партия кенгаши раиси Озода Бузруқжоева. — Шу сабабли ҳам Президентимиз партияларга янада кўпроқ ҳуқуқ бериб, уларнинг зиммасига жиддий вазифалар юкламоқда. Давлат ҳокими-

яти ва бошқарувини демократлаштириш, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари сиёсий партиялардан катта масъулият талаб этади. Шу билан бирга, партиялар ўз электорати манфаатини оқилона ҳимоя қилиш борасида янада кенг имкониятга эга бўлмоқда. Бундан тўлиқ фойдаланиш эса бошланғич ташкилотларнинг ташаббускорлигини ошириши, яъни ҳар бир партия аъзосининг онгли иштирокини кучайтириши кун тартибига қўймоқда.

Партияимиз аҳолига замонавий тиббий хизмат қўрсатиш сифатини янада оши-

риш зарур, деб ҳисоблайди. Бунинг учун, аввало, соҳа ходимларининг манфаатларини таъминлаш мақсада мувофиқ. Бу борада давлатимиз эътибори, сиз билан бизнинг ҳамкорлигимиз, албатта ўз самарасини беради.

Тадбирда бошланғич ташкилотнинг фаоллиги, ташаббускорлигини ошириш, тарғиботчилик ишларини такомиллаштириш борасида фикр алмашилди. Шунингдек, соҳанинг жонқуяр ходимлари ЎзХДП Тошкент шаҳар ҳамда Ҳамза туман кенгашлари Фахрий ёрликлари билан тақдирланди. Партияимиз сафига янги қабул қилинган ёшларга аъзолик гувоҳномалари тантанали топширилди.

— Шифохонамизда минг нафарга яқин ходим ишлайди, — дейди ҳамшира Нарғиза Зуфарова. — Улардан етмиш нафардан ортиги Халқ демократик партияси аъзосидир. Мен ҳам шу партия сафига киришга қарор қилдим ва бутун аъзолик гувоҳномаси олдим.

Нега шу партияни танлагиниз, деб кўпчилик сўрашди. Бунга шу партия электорати эканим ёки гошларининг мафтункорлиги сабаб эмас. Энг муҳими, партия фаоллари ўзлари ўртага қўяётган масалаларни ҳал этиш учун қанчалик даражада ҳаракат қилаётганидир. Мен барча партияларнинг ишларини ўзимча таҳлил этиб, шу қарорга келдим.

Асли КАМОЛ

Муносабат

■ «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»-да белгиланган вазифалар, илгари сурилган ғоялар халқимиз томонидан қизғин ўрганилмоқда.



Акром ИНОМОВ, халқ депутатлари Жizzах вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Биз партия фаоллари, депутатлар, энг аввало, Концепцияда илгари сурилган фикрлар мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиб, тегишли хулосалар чиқариб олишимиз лозим.

Шу ўринда ўзимизга савол берайлик: мамлакатимиз ҳаётида тарихий воқеалар рўй бераётган, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида зимма-зимга юкланаётган улкан вазифаларни бажаришга партияимиз аъзолари, фаоллари қай даражада тайёр? Мамлакат тақдир, миллат келажагига дахлдор бўлган бу масъулиятли вазифаларни ушбу партияимизнинг салоҳиятини етарлими?

Назаримда, бугун ҳар бир партиядошимиз шу саволларни ўзига бериши, энг муҳими, уларнинг жавобини ўзидан излаши зарур. Чунки, ўн та, юз та, боринги, минг та партиядошимиз фа-

оллиги билан кутилган натижаларга эришиб бўлмайди.

Иш жараёнида маҳаллий Кенгашларга сайланган партиядош депутатлар билан тез-тез учрашиб тураман. Иш фаолиятини кузатиб, таҳлилий ўрганиб боришга ҳаракат қиламан. Холлис айтганда, уларнинг орасида фидойи, билимли ва қатъиятлилари ҳам, аксинча, номига депутат бўлиб юрганлари ҳам бор.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, электорат манфаатини самарали ҳимоя қилиш, қонун ижодкорлиги жараёнида ташаббускор бўлишимиз учун биринчи ўринда маҳаллий Кенгашларнинг депутатларига нисбатан талабни кучайтиришимиз лозим. Чунки оддий одамларни ташвишга солаётган масалалар, ҳудудлар муаммолари улгарга кўпроқ маълум.



Иброҳим ЁҚУБОВ, халқ депутатлари Surxондарё вилоят Кенгаши депутати:

— Мамлакатимиз Президенти маърузасида билдирилган фикрлар, илгари сурилган ғоялар депутатлик гуруҳларининг, қолаверса, ҳар бир депутатнинг зиммасига аниқ ва жиддий вазифалар юклайди. Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичга кўтарилиш жараёни ҳар бир сиёсий партия ва депутатлик гуруҳлари ўз фаолиятларини танқидий баҳолаб, қайта кўриб чиқишини тақозо қилапти. Концепцияда таъкидланган «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ЎзХДП учун, айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки, электоратимиз манфаатини ҳимоя қилишда биз ижтимоий шериклар билан ҳамкорликни кучайтиришимиз лозим.

Сурхондарё вилоятида партия-

мизнинг 33 мингга яқин аъзоси бор. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги 45 ўриндан 30 тасида, туман ва шаҳар Кенгашларидаги 420 та ўриндан 197 тасида партияимиздан сайланган депутатлар фаолият кўрсатмоқда. Бу катта куч, албатта. Аммо уларнинг салоҳияти Концепция талабларини амалга оширишга қай даражада жавоб беради?

Тўғриси айтганда, бугун биз ўз фаолиятимизни жиддий кучайтиришимиз, ташаббускор ва қатъий бўлишимиз зарур. Эскича фикр, эски иш услуби билан мақсада эришиб бўлмайди. Айниқса, манзилли давлат дастурларининг жойлардаги ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим вазифаларимиздан бирига айланиши керак.



Умид МИРШАЕВ, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети Халқаро ҳуқуқ факультети 5-босқич талабаси:

— Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида, хусусан, ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлиги — бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шартини ҳисоблашни таъкидлаб ўтилади.

Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари бутун инсоният, ер юзидagi барча халқлар ва миллатлар тараққиёти учун, айниқса, ҳаётга кириб келаётган ёш авлод учун мисли қўрилмаган имкониятлар яратиб берганини ҳеч ким инкор этолмайди. Бу борада фан ва техниканинг илгор ютуқлари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, интернет тизими турли давлатлар ва минтақалар ўртасида чегараларни очиб бериб,

ҳамкорлик ва интеграция ривожига сўзсиз катта ҳисса қўшаётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, ахборот эркинлигини таъминлашдан, оммавий ахборот воситаларини эркин фикр минбарига айлантиришдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини яқин англаймиз.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли таъкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Аммо биз яшаётган ахборот асрида ахборот ва ҳокимият аталари тез-тез ёнма-ён қўлла-налаётган бир замонда ОАВ ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши диққатига! ҚОҒОЗДАГИ РЕЖАЛАР ҚАЧОН БАЖАРИЛАДИ?

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Туманда 1172 нафар партия аъзоси бўлиб, улар 48 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Бир қараганда, катта куч. Бирок партия кенгаши масъуллари тарбия-ташвиқот ва тушунириш ишларини етарлича олиб бормаяпти. Жамоатчиликнинг партияга муносабати шаклланиши кўп жиҳатдан кадрлар билими ва малакаси, тажрибаси ва ташаббускорлигига боғлиқ, албатта.

Кейинги йилларда туманда партиявий ишлар ҳақикатан ҳам сустлашиб кетди. Натижада сайловчилар халқ депутатлари туман Кенгашига ўтказилган сайловда партияимиздан кўрсатилган номзодларнинг атиги 5 нафарига ишонч билдиришди. Бу туман партия кенгаши фаолиятига жамоатчилик берган ҳолис баҳо эди. Бирок кенгаш етакчилари бундан тегишли сабоқ чиқариб олмади.

Туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилувчилар сафи вақт ўтган сари камайиб бораётгани ҳам фикримиз исботидир. Йил бошидан буён унга 28 та мурожаат тушган. Улар қандай ҳал этилгани, кўтарилган муаммолар юзасидан қандай амалий иш қилинган, уларнинг ечимини буйича қайси ташкилотга мурожаат этилгани ҳақидаги маълумотлар тўлиқ расмийлаштирилмаган. Жамоатчилик қабулхонасига тушган мурожаатни рўйхатдан ўтказиб қўйиш билан масала ҳал бўлмайди. Нахот бундан туман партия кенгаши раиси тушунмасан?..

Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кен-

гашларидаги депутатлар зиммасига жиддий вазифалар юкланаётгани маълум. Фақат депутатлардан ўз мақомини тўлиқ тушуниш ва шу асосда ташаббускор бўлиш талаб этилмоқда. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партияимиз депутатлик гуруҳи эса ваколатлар доирасида астойдил ишлашга ҳеч ўرғана олмаётган.

Очиқ айтганда, улар масалага ҳамон эскича қарайди. Шу боис гуруҳ аъзолари ишида тарқоқлик ҳукм сурмоқда. Улар туман Кенгаши сессияларида қўрилган масалалар юзасидан партия дастурий мақсадларидан келиб чиқадиган бирон-бир жиддий позициясини ишлаб чиқмаган.

Йил бошида депутатлик гуруҳининг иш режаси тасдиқланиб, унга кўра депутатлар шу йилнинг ўзида ўн саккизта муҳим вазифани бажариши керак эди. Бундан ташқари, гуруҳдаги ҳар бир депутат учун ҳам режа белгилаб олинган. Аммо йилнинг 11 ойи ўтган бўлса-да, бу вазифалар қай даражада бажарилгани тўғрисида аниқ маълумот йўқ, очик айтиладиган бўлсак, уни туман партия кенгашидан топишнинг имкони бўлмади. Ҳолбуки, депутатлик гуруҳи ўтказган йиғилишларда «Халқ депутатлари вилояти, туман Кенгаши депутати макони», «Қонунлар ва ҳуқуқ қарорлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш методикаси», «Партия электоратини беэзовта қилаётган муаммолар ва уларни ҳал этиш» каби долзарб вазифалар муҳокама қилинган экан.

Бука туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари

Абдурашид Расулов билан суҳбат шуни кўрсатдики, у сиёсий партияларга юкланаётган вазифалар ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳи зиммасига қўйилаётган талаблар нисбатан иборат эканини яқини билди. Аммо у туман партия кенгаши ва ўзи раҳбар бўлган депутатлик гуруҳи шундан келиб чиқиб, нима ишлар қилгани ҳақида бирикки мисолдан нарига ўта олмади.

Шу ўринда кишини ўйлантирадиган савол туғилди: режага яраша амалий иш қилинмас, нега ҳисобот тайёрлаймиз, баландарвоз гаплар билан ўзимизни алдайми? Нима учун айтган гапимизга ўзимиз амал қилмаймиз?..

Бир вақтнинг ўзида бири-бири билан чамбарчас боғлиқ икки масъулиятли вазифани бажариш одамдан доимий изланиш, ўз вазифаларига жиддий ёндашишни тақозо қилади. Юз мингдан ортиқ аҳоли истикомат қилаётган туманда партия кенгашига раислик қилишнинг ўзи бўлмайди. Қолаверса, муаммолари ҳал бўлишига умид қилиб, туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилаётган бор, хали. Уларнинг ишончига муносиб жавоб қилиши, кўпчиликнинг манфаатини ўйлаб, депутатларни шунга сафарбар этиш кўп жиҳатдан гуруҳ раҳбарига боғлиқ.

Чунки уларнинг ичида ўз бурчига ҳурмат билан қарайдиган, атрофдагиларга фойда келтираман деб елиб-югурадиган депутатлар йўқ эмас. Халқ депутатлари туман Кенгашига «Чигатой» сайлов округидан сайланган Зебо Ёдгорова партияимиз депутатлик гу-

руҳининг бошқа аъзоларидан фарқи ўларок, ўз сай-ҳаракатлари орқасидан қатор натижаларга эришиб келмоқда.

Жумладан, у туманда замонавий уй-жойлар қурилиши, қишлоқ жойларда инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан жамоатчилик назорати ўрнатишда фаоллик кўрсатмоқда.

— «Чигатой» қишлоқ фуқаролар йиғинига раислик қилиш жараёнида ҳудудимизда яшаётган кишиларни қийнаётган муаммоларни қуқур ўрганиб, шу асосда уларнинг ечимини буйича ўзим учун аниқ вазифалар белгилаб олишга ҳаракат қилдим, — дейди Зебо Ёдгорова. — Депутатларга берилган барча ҳуқуқ ҳамда ваколатлардан тўлиқ фойдалансак, муаммоларни ўз вақтида бар-тараф этиш мумкин. Жамоатчилик фикрини ўрганиб, кам таъминланган ва ёш оилаларга уй-жой қуриш учун ер ажратилиши такомиллаштириш борасида туман миқёсида аниқ режа ишлаб чиқиш тақлифини туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритмоқчиман.

Жамиятдаги асосий вазифасини яқин билган, амалий иш қилиб, ишончли оқлайман деган кишининг ҳаракати бехуда кетмайди. Аммо ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас, деган мақол бор. Бу эса бирлашиб, яқин ҳаракат қилинмаса, мақсадга эришиб бўлмаслигини кўрсатади. Бука туман партия кенгаши масъуллари шу оддий ҳақиқатни англаб етса керак, деган умиддамиз.

Тўлиқ ТЎРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ҳамкорлик

Стандартлаштириш буйича Ўзбекистон ва Вьетнам ўртасида меморандум имзоланди

■ Мамлакатимизда стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитлашнинг замонавий тизимлари яратилган бўлиб, бу борадаги ишлар «Стандартлаштириш тўғрисида»ги ҳамда «Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунлар доирасида изчиллик билан амалга оширилиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида корхона, ташкилот ва фирмалар махсулотларининг ташқи, яъни хориж бозорларига чиқиш имкониятларини янада кенгайтиришда муҳим омили бўлмоқда.

тўсиқларни бартараф этиш ҳамда миллий стандартларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, Ўзбекистон ва Вьетнам ўртасида экспорт-импорт қилинадиган махсулотларнинг стандартлари ва техник регламентларини мувофиқлаштириш буйича ҳамкорликда фаолият кўрсатиш, синов ва калибрлаш лабораторияларини, сертификатлаштириш ва инспекция идораларини аккредитация ҳамда ушбу соҳаларда ўқув дастурлари ва мутахассисларни малакасини ошириш буйича маълумотларни ўзаро алмашиши билан бирга яқинда алоқаларни ўрнатиш кўзда тутилган.

Хусусан, Вьетнам Стандартлар ва Сифат Идораси Вьетнам давлатининг миллий стандартлаштириш Идораси бўлиб, у Фан ва технология вазирлиги қошида фаолият кўрсатади. Ушбу ташкилот стандартлаштириш, мувофиқликни баҳолаш, метрология ва аккредитация йўналишларида иш олиб боради. Шунингдек, 1977 йилдан буён Вьетнам Стандартлар ва Сифат Идораси ИСО Халқаро ташкилотининг аъзоси ҳисобланади. Шу билан бирга ушбу тизимга қуйидаги ташкилотлар кирди: Булар, Вьетнам Стандартлари Маркази (ВСМ), Вьетнам Метрология Институтини (ВМИ), Вьетнам Аккредитация Бюроси (ВАБ) ҳамда Вьетнам Сертификатлаштириш Хизмати (QUACERT)лардир.

Тўштемир ХУДОЙҚУЛОВ

3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни

УМИД ВА ИШОНЧ БИЛАН ЯША



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Биринчи гуруҳ ногирони Қудрат Очилов, унинг рафиқаси, иккинчи гуруҳ ногирони Муяссар Очилова хонадонда бўлиб, ана шу саволга жавоб излади.

Оила кечки овқатга жамулжам бўлди. Муяссар турмуш ўртоғининг ишдан ва икки ўглининг ўқишдан келишига баҳоли қудрат дастурхон тугайди. Усиб келаётган болаларнинг жисмонан бақувват бўлиши, ёш организмнинг турли витаминларга эҳтиёжини қондириш учун бека деярли куни бўйи ошхонада куймаланади. Кўпинча оила аъзоларининг севимли таоми — паловни тайёрлайди. Дастурхонларидан сабзавот, ҳўл мева ҳам узилмайди. Катта ўли тазқондо билан шўғулланишни, кичиги эса футбол клуби аъзоси эканини ҳисобга олинса, уларнинг овқатланиши алоҳида назоратда эканини тушуна бўлади.

Кенжасининг бошини силайди. Ўғил ҳам отасига қулай бўлиши учун унга яқинроқ сурилади. Қудратнинг чап қўли йўқ, ўнг қўли ҳам нуқсон билан туғилган. Аммо қийинчилик билан бўлсада, икки қўли буст-бутун одамлар бажарган ишларни қила олади.

Оиламдаги муносабат, оддий мактабда ўқиганим, яқинларимнинг қўллаб-қувватлаши туфайлигина бугунги ҳаётимни қуриб олдим, деб ўйлайман, — таъкидлайди Қудрат. Қудратнинг имконияти чекланган болага оиладаги муносабат, инклюзив таълимнинг афзаллиги ҳақидаги фикрлари шунчаки кузатишлар натижаси эмас, балки бошидан кечирган воқеа ва қалбидан ўтказган туйғуларни ҳосиласидир.

Миятдаги фаолият ва ўзгаришлар иштирокчиси эканлигидан фахрланади. Ўзбекистон Миллий университети (олдинги ТошДУ)нинг журналистика факультетини тугатиб, бир муддат Нурота туманида, ўз қишлоғида ўқитувчи бўлиб ишлади. Республика матбуотида мақолалари билан мулоқотда бўлган бола эртага жамиятга қўшилишда жуда катта муаммоларга дуч келиши мумкин. Шу маънода, мамлакатимизда инклюзив таълим борасидаги тажрибалар ўтказилаётгани жуда қувончли.

Ҳозир яшаб турган Сергели туманидаги 3 хонали уй ҳам 2004 йил давлат томонидан ажратилган. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан берилган сўхатқоғларга бепул йўлланма, моддий ёрдамлар соғлигини тиклашда жуда катта кўмак бўляпти.

— Биз давлатга боқиманда бўлишни истаймиз — дейди Муяссар. У ёшлигида йўқилиб, унгоёғи синган, нотўғри муолажа натижасида ногирон бўлиб қолган.

Муяссарнинг оддийгина тикув машинаси бор, ана шу дастгоҳ ёрдамида рўзгорга анча-мунча қўшимча даромад келтиради.

— Касаначилик биз каби қанча инсонлар ҳаётига мазмун олиб кирган экан, — мулоҳаза юритади аёл. — Корхоналар билан тузилган шартномалар асосида болалар кийими, аёллар халати тикиб бердим. Оиламга даромад келтирганим бир қувонч бўлса, менинг қўлимдан ҳам иш келади, деган гурур яна бир қувончим.

Имконияти чекланган инсонлар ҳаёти, муаммоларини ёритишни олдига асосий вазифа қилиб қўйган Қудрат Очилов кўпинча ногиронларнинг ўзлари учун яратилган шароитлардан беҳабар эканлигини кузатган. Аксарият ҳолларда маслаҳати, кўрсатган йўл-йўриги билан уларнинг ташвишини ҳал этишга ҳисса қўлади.

— Аммо уни ўйлантирадиган бир ҳолат ҳам бор. Кўпинча ногиронлар ўз ҳақ-ҳуқуқи учун қурашмайди, дилар ёки буни хохламайди.

— Сизни ишга олишни рад қилишдими? Ҳар бир корхонага ногиронлар учун квота белгиланганини биласиз-ку! Тегишли жойга арз қилишингиз

мумкин, — маслаҳат беради яна бир шикоятчи.

— Ногиронлигимни пеш қилиб, кимларнидир безовта қилишни истайман-да, — ҳокисорлик билан жавоб қайтаради у одам.

— Сиз ишласангиз, жамиятга ҳам фойда-ку! Жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосисиз ахир, — Қудрат руҳи чўккан тақдирдошини тўғри йўлга бошласа, атрофдагиларнинг кўмаги билан ҳақ-ҳуқуқи учун, ҳаёти учун курашишга кўндирса, ўзини қушдек енгил сезади. Гоҳо оиласини мисол қилиб кўрсатишдан тортинмайди.

— Ҳозир мен ўз муаммоларим ҳақида эмас, фарзандларимни етук инсон қилиб тарбиялаш ҳақида қайғуряман, — дейди у. — Болаларим учун қўлдан келганча шароитларни яратиб қўйибман, уларда ота-она меҳр-муҳаббатидан тортиб мўъжазгина қутубхона, компьютергача бор.

Муяссар ҳам орзу-истакларини соддагина изоҳлайди:

— Яхши жойлардан келинлар қилсам дейман. Болаларимни уйлантиргунча кичкинароқ бўлса ҳам ҳовли қилиш ва машина олиш ниятимиз бор.

Яхши яшашга интилиш — айб эмас. Имконияти чекланган одамларнинг ўз меҳнати билан яхши яшашга интилиши ва уни амалга оширишга ишончи эса яна бир нарсадан дарак беради — демак, улар яшаётган жамиятда ана шу ишончли мустаҳкамлайдиган омиллар бор.

Шарофат Йўлдошева, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Хорижда 151 мингта иш ўрни яратилган бўлишига қарамай

АҚШ иқтисодиёти глобал иқтидордан кейин аксарият америкаликлар кутганидек тезкор суръатларда тикланмапти. Буни мамлакат президенти Барак Обама ҳам Меҳнат вазирлиги томонидан эълон қилинган ишсизлик ҳақидаги ҳисоботларни шарҳлаш давомида тан олди.



Меҳнат вазирлиги ҳисоботларида қайд этилганча, октябрь ойида АҚШда ишсизлик аввалги даражада — 9,6 фоиз кўрсаткичда сақланиб қолган. Ваҳоланки, сентябрь ойида 151 мингта янги иш ўрни яратилган эди.

Умуман, таҳлилчиларнинг гапларига қараганда, дейлади ИТАР-ТАСС ахборотида, АҚШда ишсизлик 15 ойдан бери 9,5 фоизлик кўрсаткичдан пастга тушмапти. Таъкидлаш лозимки, шу 15 ойда иқтисодий ўсишни таъминлаш учун 800 миллиард доллардан ортиқ маблағ иқтисодиётга йўналтирилди. Ишсизликнинг бундай банд кўрсаткичда узоқ вақт сақланиб туриши 1948 йилдан бери Америка тарихида кузатилмаган.

Ҳозир мамлакатда ишсизлар сони 14,8 миллион кишини ташкил этади.

Москва қўчаларида электробуслар қатнайди

Москва шаҳар мэриясининг Фан ва саноат сўбсати департаменти раҳбари Евгений Пантелевнинг «Новости» АА муҳбирига берган интервьюсида айтилишича, 2012 йилдан пойтахт қўчаларида рельсиз ва электр симларисиз, шунингдек, дизел ёнгилсиз ҳаракатланувчи (ҳудди «Кара» сингари аккумулятор қувватда ишлайди), экологик тоза электробуслар қатнови йўлга қўйилади.



Шаҳар маъмурияти бу йўналишдаги инновация ишланмаларини молиялаш учун 300 миллион рубль, Саноат-савдо вазирлиги ҳам шунча микдорда, Маориф ва фан вазирлиги эса қисман маблағ ажратишни режалаштирган.

Келгуси йили ушбу янги транспорт турининг 7 таси тайёрланиб, синавдан ўтказилади. 2012 йилдан эса бу турдаги электробуслар қатнови кенг йўлга қўйилади.

Ўзга сайёра йўлдоши атмосферасида

кислород борлиги аниқланди

2004 йилдан бери Сатурн (Зуҳал) сайёрасини ва унинг йўлдошларини тадқиқ этаётган Американинг «Cassini» самовий аппарати кишилик тарихида илк марта ўзга сайёра йўлдоши атмосферасида кислород борлигини далиллар билан аниқлади. Яъни шу йил март ойида Сатурннинг Ре йўлдоши яқинидан — 97 километр қўриқда учиб ўтаётиб, унинг сийрак атмосферасидан намуна олган.

Тўғри, аввал ҳам сайёра ва унинг йўлдошларида, шунингдек, Юпитернинг Ганимед йўлдошида кислород борлиги олимлар томонидан аниқланган. Фақат бу назарий таъсир бўлиб, телескоплар ёрдамида кузатиш билан аниқланган турларига қараб чиқарилган ҳулосалар эди ҳолос. Энди эса бевосита космик аппарат ёрдамида аниқ далил асосида кашф қилинди.

Аниқланишича, Ре атмосферасида кислород таркиби бир кубметр майдонда 50 миллиард молекула ташкил этаркан. Шунингдек, атмосфера таркибида карбонат ангидрид ҳам бор бўлиб, бир кубметр майдонда 20 миллиард молекуладан иборат. Бундай концентрация кишининг йўлдошининг атмосфераси ўта сийраклигидан далоят беради.

Олимларнинг таъкидлашларича, Ре йўлдоши музликдан иборат. «Бу эса унда кислород мавжуд бўлиши билан ҳаёт бўлиши мумкин эмаслигини исботлайди. Негаки, йўлдош об-ҳавоси ўта совуқ ва суюқ ҳолда сув йўқ» дейди Техас штатининг Сан-Антониодаги Жануби-ғарбий илмий текшириш институти ходими Бен Теолис.

Маълумки, айланаси 1500 километр ҳажимда бўлган Ре йўлдоши Сатурннинг 62 та йўлдоши орасида Титандан кейин иккинчи ўринда туради. Титанда ҳам кислород ва карбонат ангидрид бор, фақат жуда кам микдорда, унинг сийрак атмосферасининг асосий қисмини азот ва метан газлари ташкил этади.

Ре йўлдошида карбонат ангидриднинг мавжудлиги бўйича бир неча хил таҳмин илгари сурилмоқда: ё йўлдошдаги музнинг буғланишидан, ёки кичик метеоритлар келиб урилишидан ҳосил бўлган.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

Фермернинг фаройиб «тадбиркор»лиги

Амалдаги қонунларга мувофиқ яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратиш «ким ошди» савдоси орқали ваколатли комиссиялар томонидан амалга оширилади. Юнус Бобононов буни билмайди дейсизми? Биларди. Аммо қонунларимиздан беҳабар бир гуруҳ фуқароларни чув тушириб, мўмай пул топмоқчи бўлди.

Юнус Бобононов Ҳазорасп тумани Карвак қишлоғида фаолият юритиб келган «Худойкули — Онажон» фермер хўжалиги раҳбари эди. Ҳокимлик томонидан ажратиб берилган ерларга контрактация шартномаларида кўрсатилган экин турларини экиб, ҳосил етиштиришга масъул шахс. Қонунларимизда белгилаб қўйилганидек, фермер хўжалиги учун ажратилган ер майдонларини бошқаларга ҳатто вақтинча фойдаланиш учун ижарага бериш ҳам мумкин эмас. Ўзбошимча фермер эса...

Юнус Бобононов фермер хўжалиги ер майдонларини фуқароларга уй-жой қуриш учун сотиш режасини пухта ишлаб чиқди ва аста — секин амалга оширишга киришди. Қишлоқда яқка тартибда иморат қуришни хоҳловчилар фермернинг тузоғига тезда илина қолди. Дастлаб шу фермерда ишловчи Султонпошша Отаевдан икки минг, Ҳалима Матқубовадан эса тўрт минг АҚШ доллари олиб, уларга фермер хўжалиги тасарруфидоги экин майдонидан «уй-жой тиклаш» учун ер ажратиб берди. «Ҳоким карорини тезда чиқартириб бераман» деб уларнинг қўйини пуч ёнгоққа тўлгади.

Юнусбой қараса чўнтаги ҳеч бир қийматли жарак-жарак пулга тўлган. Нафси-ни жиловлай олмаган фермер ҳузурига ер олиш учун талабгорлар илтимос-у-илтижо билан кела бошлади. С.Содиқов, Б.Қаландаров, А.Солиев, Ҳ.Оллабергенов, С.Нурматов каби ўндан ортиқ фуқаролар ҳам шу тахлит «хотамтой» фермер ваъдаларига ишониб, унинг тузоғига илинди. Албатта бу

ров муддаога кўчди: «Кўкидан тўрт минг берсанг ҳаммаси жойида бўлади!»

Оқсоқолнинг шу зайил қўллаб-қувватлаши фермернинг иштахасини янада очиб юборди. Ахир эндиликда «жой ўрни» сотиш билан боғлиқ ишларда кўмсан — қишлоқ оқсоқолнинг ўзи уни қўллаб турса. Шу тахлит икки қонунбузар, таъмағир масъул шахслар биргаликда «фаолият» юрита бошлади. Лекин бу икки «ишбилармон»нинг фаолияти узоққа чўзилмади. Улар қонун посбонлари томонидан фош қилинди. Бу икки «ишбилармон» эндиликда умрининг бир неча йилини қамоқда ўтказишга маж-

ЧўНТАГИ ҚАППАЙГАН ФЕрМЕР ҲАМ БУШ КЕЛМАДИ. ГАП ОРАСИДА «МЕНГА ЁРДАМ ҚИЛ-САНГИЗ, СИЗНИ ҲАМ ҚУРИҚ ҚЎЙМАЙМАН!» ДЕБ ТИЛЁҒЛАМАЛИК ҚИЛДИ. ҚИШЛОҚ ОҚ-СОҚОЛИГА ҲАМ АЙНАН ШУНИСИ КЕРАК ЭДИ. ДАРРОВ МУДДАОГА КЎЧДИ: «КЎКИДАН ТЎРТ МИНГ БЕРСАНГ ҲАММАСИ ЖОЙИДА БЎЛАДИ!»

«хотамтойлик» ўз-ўзидан бўлмади... Фермернинг «хотамтойлик» гидан хабар топган Карвак қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Умидбек Салаев уни «ўчишиб кўрмоқчи бўлди. «Ноконуний ишларингдан яхши хабардорман. Кирдикорингни фош қилиб, фермер хўжалигини тугатираман!» деб дўқ урди.

Чўнтаги қаппайган фермер ҳам бўш келмади. Гап орасида «Менга ёрдам қилсангиз, сизни ҳам қуриқ қўймайман!» деб тилёғламалик қилди. Қишлоқ оқсоқолига ҳам айнан шуниси керак эди. Дар-

бурдир. Қонунни ҳурмат қилмаган, имон-инсофини йўқотган кишининг қисмати шундай бўлади. Энди ўйлаб кўрайлик, бери фермер хўжалиги раҳбари, иккинчиси қишлоқ фуқаролар йиғини раиси бўлса... Уларни жиноят йўлига нима бошлади? Ҳар ҳолда нафс балоси, дейишга асос бор.

Ҳасанбой МУҲАММАДЖОНОВ, Жиноят ишлари бўйича Ҳазорасп тумани судининг раиси, Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

ГАЗК «УЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙУЛЛАРИ»

ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕРНЫЕ ТОРГИ

1. Предмет тендерных торгов: **Поставка оборудования (шеф-монтаж) и услуг для литейного цеха с целью создания мощностей на выпуск стального, чугуниного и цветного литья по объекту: «Развитие ремонтной базы подвижного состава и организация вагоностроения на ДП «Литейно-механический завод» УП «Узтемирйулмаштаъмир».**
2. Наименование и адрес рабочего органа тендерной комиссии: **Группа реализации проекта по закупке оборудования для литейного цеха ДП «Литейно-механический завод», 100060, г. Ташкент, ул. Тараса Шевченко, 7 тел: (998 71) 237-99-91, 237-94-00, 237-82-67 тел/факс: (998 71) 232-11-65, (998 71) 237-95-69 E-mail: grp_lmz@mail.ru.**



В тендерных торгах могут принять участие отечественные и иностранные фирмы и организации, выплывшие предъявляемые условия для участия в них, имеющие опыт поставки соответствующих объемов закупок на тендерной основе продукции, а также являющиеся производителями предлагаемой продукции или имеющие гарантийное письмо от производителя.

При участии в тендерных торгах отечественных и зарубежных фирм и организаций при оценке тендерных предложений предусматриваются следующие ценные предпочтения для отечественных поставщиков: при проведении оценки тендерных предложений с импортной поставкой оборудования (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством

освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога, 3. Условие оплаты по поставке оборудования (шеф-монтаж) и услуг указаны в тендерной документации, 4. Условие поставки (согласно ИНКОТЕРМС-2000): — для иностранных участников: СІР Ташкент, — для отечественных поставщиков: склад покупателя в г. Ташкенте, 5. Срок поставки оборудования 16 месяцев со дня отгрузки финансирования с последующим предоставлением услуг по шеф-монтажу, 6. Величина гарантии тендерного предложения указаны в тендерной документации, 7. Условие оплаты и банковские реквизиты для внесения гарантии тендерного

предложения указаны в тендерной документации, 8. Последний срок приема тендерных предложений — 05 января 2011 года до 18.00 ташкентского времени, 9. За дополнительной информацией по условиям проведения тендерных торгов обращаться в группу реализации проекта по закупке оборудования для литейного цеха ДП «Литейно-механический завод» по вышеуказанным реквизитам, Тендерные предложения будут вскрываться по адресу: г. Ташкент, ул. Т. Шевченко, 7, в здании ГАЗК «Узбекистон темир йуллари», 10. Стоимость тендерной документации 400 долл. США с НДС: — для резидентов оплата в суммах по курсу ЦБ РУз на день оплаты, — для нерезидентов в долл. США.

Кўриқ-танлов

«Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи — 2010»

Республика танлови бўлиб ўтди

Олий ва ўрта махсус, халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган мазкур танлов шарт ва талаблари йилдан-йилга такомиллашиб, юқорилаб бормоқда.

— Ушбу танлов Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида ўтказиб келинмоқда, — дейди Республика олий ва ўрта махсус касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази бош мутахассиси **Матлуба Эшпўлатова**. — Бу йилги танловда жами 102 номдаги адабиётни яратишда иштирок этган 183 нафар муаллиф қатнашди. Дарслик ва ўқув адабиётларнинг 81 таси олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича, 14 таси ўрта махсус касб-хунар таълими ва 7 таси умумий ўрта таълим йўналишларида яратилган.

Ҳақиқатдан аниқлашда республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, демократик ўзгаришлар, иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаш, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги ислохларнинг устувор масалалари қамраб олиниши, айниқса, муаллифлар томонидан соҳа бўйича фан, техника ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари, илгор халқаро таж-

риба ва тараққиёт тенденциялари қамраб олиниши ҳисобга олинган.

— Биз олимлар учун ушбу танловни ташкил этилиши, камтарона меҳнатимизни рўйбга чиқаришда ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ёрдам бераётгани учун аввало Президентимизга раҳмат айтмоқчиман, — дейди Ўзбекистон Миллий университети ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор **Раъно Сайфуллаева**. — Баъзи бир олимларимиз дарслик ёзишга иккинчи даражада деб топилди. 24 та ўқув адабиёти муаллифлари рағбатлантирувчи дипломлар берилиб, улар қимматбахо совғалар ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Танловнинг якуловчи босқичида 49 та ўқув адабиётлари ва уларнинг муаллифлари ғолиб бўлди. Шундан 13 таси 1-ўрин, 19 таси 2-ўрин ва 17 таси 3-ўринга муносиб деб топилди. 24 та ўқув адабиёти муаллифлари рағбатлантирувчи дипломлар берилиб, улар қимматбахо совғалар ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Темура Абзам,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Премьера

«Тақдир синовлари»

Яқинда Ўзбек Давлат миллий Академик драма театрида Ўзбекистонда хизмат қўрган журналист Қўчқор Норқобил қаламига мансуб «Тақдир синовлари» спектакlining тақдироти бўлиб ўтди.

Спектаклдаги образларни Ўзбекистон халқ артистлари ҳамда театрининг ёш актёрлари маҳорат билан ижро этишди. Асар ижтимоий муаммоларга бағишлангани боис ўткир драматик воқеаларга боис.

— Замондошларимиз киёфасини акс эттирган асарларни интиқлик билан кутамиз, — дейди спектакль режиссёри, Ўзбекистонда хизмат қўрган артист **Нодира Маҳмудова**. — Мана шундай спектакльларда бошловчи актёрларимизни ҳам эътибордан четда қолдирмаймиз. Шу боис бу асар жамоамиздаги иқтидорли актёрларимизнинг янги қирраларини очиб бера олди.

— Режиссёримиз менга Жайрон бобо ролини ишониб топширди, — дейди Ўзбекистон халқ артисти

Эркин Комилов. — Сценарийни кўлга олганимда бу образ юрагимга жуда яқин эканлигини ҳис қилдим. Жайрон бобо замондошларимиз киёфасини акс эттирган образ эканлиги боис унинг барча хатти-ҳаракатларини аниқ тасаввур қилишим осон кечди. Бугунги томошабин кечагидан жуда катта фарқ қилади. Уларни мазмунан саёз асарлар билан алдаб бўлмайди. Шу боис биз ижодкорлар пишиқ-пухта асарлар устида ишлашимиз шарт. «Тақдир синовлари»ни шундай асарлар қаторига киритиш мумкин.

Театрда спектакль намоиши давом этмоқда. Умид қиламизки, бу спектакль томошабинлар меҳрини қозонади.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тадбир


Ўт билан ўйнашиб бўлмади

Тошкент ҳайвонот боғида «ёнгин хавфсизлиги ойлиги» доирасида Юнусобод ТИИБ ЁХБ билан ҳамкорликда тадбир бўлиб ўтди. Унда — ёнгин хавфсизлиги машғулотлари намоиш этилди. Айниқса, ёнгин ўчириш замонавий техник воситалари имкониятлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

— Тошкент ҳайвонот боғи жойлашган ер майдони катта, дарахтлар ва ўсимликларнинг тури кўп, — дейди Юнусобод ТИИБ ЁХБ катта инспектори майор Ботир Жумақулиев. — Куз фаслида боғ майдони доимий равишда ҳазонлар ва чиқиндилардан тозаланиб турилиши керак. Акс ҳолда кичкина эътиборсизлик ёнгин келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, гидрантлар соз бўлиши, ёнгин ўчириш пештахтаси керакли анжомлар билан тўлиқ таъминланиши, ем-хашак сақланадиган омборхоналарда ёнгин хавфсизлиги қондалари-

га риоя қилиниши, жумладан, тамаки чекмаслик, вақтинчалик электр симларидан фойдаланмаслик талаб этилади. Шунингдек, маъмурий биноларда ёнгиндан автоматик тарзда хабар бериш мосламасининг ўрнатилиши, тарғибот-ташвиқот бурчаклари, буйруқ асосида ёнгин хавфсизлигига масъул шахс тайинланиши, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Жалолиддин МУҲАМЕДОВ,
Тошкент шаҳар ИИБ ЁХБ бўлими муҳандиси,
капитан.



Болалар спорти

Соғлом авлоднинг тарбиялашга барчамиз масъулмиз

Ўзбекистон туманининг Конизар қишлоғидаги спорт мажмуаси қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Бу ерда барча қулайликларга эга стадион бунёд этилмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан молиялаштирилаётган бу иншоот шу йилнинг охиригача фойдаланишга топширилади.

Бу йил жамғарма ҳисобидан Кўкўн шаҳрида болалар спорт мажмуи, Ёзёвон, Учқўприк туманларида спорт заллари қурилди, сузиш ҳавзалари реконструкция қилинди. Қурилиш объектларида бажарилган ишларни молиялаштириш учун 8,1 миллиард сўм маблағ ажратилди. Унинг 7 миллиард сўми Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан эди. Ҳозирга келиб, фойдаланишга топширилган иншоотларнинг 4 таси спорт жиҳозлари билан таъминланди.

— Илгари қишлоқ ёшлари замонавий стадион, спорт заллари, ранг-баранг жиҳозлар ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасди, — дейди меҳнат ва ХДП фахрийси Усмонжон Бегматов.

— Буни қаранг, Бағдод тумани ёшлари байдарка ва канозда эшак эшиш, Ўзбекистон тумани йигит-қизлари слаломда эшак эшиш бўйича республика мусобақаларида қатнашиб совринли ўринларни кўлга киритибди. Қачон қишлоқда стадион, спорт заллари, масалан, байдарка ёки каноз спорти бўлган?

Бизга тақдим этилган рақамларга кўра, бу йил вилоятдаги спорт иншоотларида ўтказилган мусобақаларда 354066 нафар (шундан 133423 нафари қизлар) ёш спортчи иштирок этган. Спорт турлари билан шуғулланаётган болаларнинг сони бундан бир неча марта кўпдир. Шунга қарамай стадион, спорт залларига тобора кўпроқ болаларни жалб этиш

ҳамиша долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Президентимизнинг «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан вилоятда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган назорат режаси орқали болалар спорти иншоотларидан самарали фойдаланиш, ёшларни спортга кенг жалб этиш, қўшимча спорт тўғаракларини очиб, хусусан, спортнинг бадиий гимнастика турини янада ривожлантириш, ўқув муассасаларига қўшимча спорт жиҳозлари етказиб бериш ва вилоят ҳудудидаги қорхоналарда замона талабидидаги спорт жиҳоз-

лари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда болалар спорти объектларини малакали мураббийлар билан таъминлаш кундалик муҳим ишга айланган.

Жамғарма томонидан фойдаланишга топширилган спорт иншоотларини сақлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар бир спорт иншоотида оталиқ ташкилотлар бириктирилди. Бир сўз билан айтганда, болалар спорт иншоотлари қурилмоқда, улар тегишли жиҳозлар билан таъминлангани, ундан фойдаланувчи эгалари, ҳатто оталиқ ташкилотларга белги-ланган. Аммо бу иншоотлардан фойдаланиш самарадорлиги қановатланарми?

Афсуски, айрим мактаб ва коллежаларнинг муҳташам спорт заллари мажбурий машғулотларни ҳисобга олмганда куннинг қолган вақтларида хувиллаб турибди. Холбуки, шу ҳудудда яшайдиган болалар учун дарсдан ташқари спорт тўғараклари ташкил қилиш, унга ёшларни жалб этиш мумкин. Гимнастика, кураш, стол тенниси каби спорт турлари учун заллардаги мавжуд жиҳозларнинг ўзи етарли. Фақат ташаббускор ташкилотчи, фидойи мураббий ҳамда истак керак.

Очиғи, бу каби мисоллар ягона эмас. Айтилиқ, жойларда бевосита ижрочи, мутасадди ўз вазифасига лоқайдлик билан қарабди. Лекин шу спорт зали, стадион, болалар мажмуалари шаҳар, туман ҳокимликлари бўлимлари тасарруфидан-ку! Президентимизнинг болалар спорти иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга оид қарори ижросини таъминлашга бугун барчамиз масъулмиз-ку. Бу борада жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Мухаммадjon ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки

бугун Ўзбекистон аҳолисини Конституция куни билан қутлайди ва миллий валютадаги янги «Хуррият» мuddатли депозити амалга киритилганлигини маълум қилади.

«Хуррият» депозити:

- ❖ сақлаш мuddати — 13 ой;
- ❖ омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади;
- ❖ фоизлар ҳар ойда ёки сақлаш мuddати тугагандан кейин тўланади, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмайди;
- ❖ бирламчи бадал микдори чекланмаган.

Омонатга пул маблағлари 2010 йил 25 декабргача қабул қилинади. Биз ўз жамғармаларини бошқаришни ишониб топширганларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб биламиз!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг исталган бўлими/филиалидан олиш мумкин.

www.nbu.com

Хизматлар лицензияланган.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV

Latif G'ULOMOV

Bobir ALIMOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

G'affer HOTAMOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihidin MUHIDDINOV

Andrey KUSTOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti

233-10-13

Madaniyat va sport

233-69-45

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot

233-20-36,

233-44-55

Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot

233-12-56

Reklama va e'lonlar

233-38-55,

233-47-80

Mas'ul kotib

233-72-83,

236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda —

(374) 225-32-70

Buxoroda —

(365) 223-06-02

Gulistonda —

(367) 225-46-45

Jizzaxda —

(372) 227-48-35

Navoiyda —

(436) 223-83-73

Namanganda —

(369) 226-43-81

Nukusda —

(361) 222-77-21

Samarqandda —

(366) 235-02-55

Urganchda —

(362) 517-30-58

Farg'onada —

(373) 224-18-78

Denovda —

(376) 412-37-80

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Nabatchi: Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1149

7568 nusxada bosildi

I — Tijorat materiallari

ISSN 2010-7633

O'ZA yakuni — 20.45 Topshirilgan vaqti — 23.45 1 3 4 5

Sotuvda erkin narxda